“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув Раисининг 2024 йил учун
ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлари)га эришиш бўйича чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми / ишлаб чиқиладиган ҳужжат	Ижро муддати
1.	Бизнес-режага мувофиқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида 2024 йилда 30,7 трлн сўм миқдорда кредитлар ажратилишини назорат қилиш. - корпоратив бизнес 17,4 трлн сўм; - кичик ва ўрта бизнес 9,0 трлн сўм; - аҳолига 4,3 трлн сўм.	1. Мижозлар учун қулай бўлган янги маҳсулот турларини жорий қилиш. 2. 2024 йил I чоракда 6 трлн сўм; 3. 2024 йил II чоракда 7,8 трлн сўм; 4. 2024 йил III чоракда 8,9 трлн сўм; 5. 2024 йил IV чоракда 7,9 трлн сўм.	2024 йил давомида I чоракда II чоракда III чоракда IV чоракда
2.	Кичик ва ўрта бизнес мижозларидан жалб қилинган депозитлар қолдиғини камида 30 фоизга ошириш орқали ресурс базасини 4,7 трлн сўмга етказиш, шундан: - талаб қилиб олингунча – 3,0 трлн сўм; - жамғарма – 0,5 трлн сўм; - муддатли – 0,9 трлн сўм; - бошқа – 0,3 трлн сўмга етказиш.	1. Мижозлар учун қулай бўлган жамғарма ҳамда муддатли депозит маҳсулотларини жорий қилиш. 2. 2024 йил I чоракда 1,6 трлн сўм; 3. 2024 йил II чоракда 2,3 трлн сўм; 4. 2024 йил III чоракда 3,2 трлн сўм; 5. 2024 йил IV чоракда 4,7 трлн сўм.	2024 йил январь ойи I чоракда II чоракда III чоракда IV чоракда
3.	Банкнинг навбатдаги 500 млн доллар миқдоригача халқаро облигацияларини (евробонд) бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда чиқариш.	1. Банкнинг ҳамкорлари ва нуфузли инвестицион банклар орасидан андеррайтер ва букраннерларни танлаб олиш. 2. Бошқа учинчи шахсларни тайинлаш. 3. Тегишли хужжатларни расмийлаштириш.	2024 йил март ойи 2024 йил апрель ойи 2024 йил июнь ойи

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлари)га эришиш бўйича чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми / ишлаб чиқиладиган ҳужжат	Ижро муддати
		4. Road Show ўтказиш. 5. Облигацияларни Лондон фонд биржасига жойлаштириш.	2024 йил июль ойи 2024 йил август ойи
4.	Халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинадиган 175 млн доллар кредит линияларини банк акцияларига конвертация қилиш.	1. Истиқболли инвесторлар Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкининг банкни хусусийлаштириш доирасида ишлаб чиқилган тавсияларини амалга ошириш бўйича йўл харитасини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта тасдиқлаш. 2. Осиё тараққиёт банки билан имзоланган шартномага мувофиқ 50 млн доллар кредит линиясини жалб қилиш. 3. Инвестицион маслахатчи ёрдамида топилган стратегик инвестор билан ХМК, ОТБ, ЕТТБ билан музокараларни ташкиллаштириш.	2024 йил апрел ойи 2024 йил май ойи Стратегик инвестор топилгандан сўнг
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор, Фармойиш ва мажлис баёнларидаги ҳамда Администрация ҳужжатларидаги, Ҳукумат комиссиясининг баёнларидаги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида берилган топшириқлар ижросини “edo.ijro.uz” ягона электрон тизимида белгиланган муддатларда таъминлаш бўйича назоратни давом эттириш.	1. Топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан муҳокамалар ўтказиш бўйича режа график тасдиқлаш. 2. Ҳар ҳафтада раис ўринбосарлари билан биргаликда “edo.ijro.uz” тизимида назоратда турган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича муҳокамалар ўтказиш. 3. Топшириқлар ижросини таъминламаган масъулларга нисбатан интизомий чора кўриш бўйича Ижро назорати департаменти таклиф киритиш.	2024 йил январь ойи Ҳар ҳафта графикка асосан Ҳар ойнинг 5 санасига

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлари)га эришиш бўйича чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми / ишлаб чиқиладиган ҳужжат	Ижро муддати
6.	Давлат раҳбарининг 2024 йил давомида Республика ҳудудларига ташрифларига пухта тайёргарлик кўриш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилиши бўйича умумий назорат ўрнатиш, жойларга хизмат сафарлари уюштириш.	1. Ҳудудларда Давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар доирасида "корхонабай" иш ташкил этиш бўйича Раис ўринбосарларини ҳудудларга бириктириш. 2. Ҳар ҳафтада инвестиция лойиҳаларини ижроси бўйича муҳокама ўтказиш ва аниқланган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш. 3. Лойиҳалар доирасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотлар билан зарурий чораларни кўриш.	2024 йил январь ойи Ҳар ҳафта графикка асосан 2024 йил давомида
7.	Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2023 йил 20 ноябрь куни ўтказилган йиғилишнинг 38-сонли баёнида берилган топшириққа асосан ҳудудларда хизматлар соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида республика бўйлаб жами 601 минг та янги иш ўринларини яратиш учун ҳудудлар ва йўналишлар кесимида вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаш.	1. Ҳудудларда соҳаларни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш механизмини вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва ҳукуматга таклифлар киритиш. 2. Иш ўринлари ҳисобини юритиш бўйича ягона ҳисоботлар шаклини ишлаб чиқиш.	2024 йил март ойи 2024 йил давомида
8.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги "Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-366-сонли Қарори доирасида 238 минг аҳолини бизнесга жалб қилиш чораларини кўриш.	1. Тадбиркорликка ўқитиш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда бизнес жараёнларининг барча босқичларида доимий ҳамроҳлик қилиш бўйича "Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази" МЧЖлар ва "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖ, шунингдек, ваколатли органлар ва тижорат банклар билан ишларни ташкил этиш.	2024 йил Январь-март

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлари)га эришиш бўйича чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми / ишлаб чиқиладиган ҳужжат	Ижро муддати
		2. Қарор ижроси юзасидан жойларда амалга оширилаётган ишларни ташкил этиш, назоратга олиш хамда тегишли вазирлик ва идоралари томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажариш бўйича ташкил этилган доимий ишлайдиган ишчи гуруҳ ишларини мувофиқлаштириш.	2024 йил давомида
9.	Ўзсаноатқурилишбанк устав капиталидаги давлат улушига тегишли акцияларни сотиш бўйича ишларни ташкиллаштириш.	1. Банкни хусусийлаштириш жараёни учун халқаро тажрибага эга юридик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари бўйича маслаҳатчи компанияларни жалб қилиш. 2. Инвестицион маслаҳатчи Rothschild & Co компанияси билан биргаликда устав капиталидаги давлат улушини сотиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш.	2024 йил март ойи 2024 йил май ойи
10.	Олий ва юқори даражадаги ташрифларда Банк қатнашишини таъминлаш. Мазкур ташрифлар давомида хорижий ҳамкорлар билан учрашувлар ўтказиб, Банк учун мақбул бўлган шартномалар имзолаш.	1. Банкнинг ҳамкорлари билан музокаралар ўтказиш режа графиклари ишлаб чиқиш. 2. Ташриф доирасида шартнома имзолаш. 3. Маблағларни жалб қилиш.	2024 йил январь ойи Графикка асосан 2024 йил давомида
11.	Юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларни масъул департаментлар ва ҳудудий филиаллар томонидан ўрнатилган тартибда ва белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши бўйича берилган топшириқлар ижросини назорат қилиб, шахсий ва сайёр қабулларни белгиланган муддатларда ўтказиб бориш.	1. Шахсий ва сайёр қабулларни ўтказиш жадвалларини тасдиқлаш. 2. Ҳар чорак якунлари бўйича Бошқарувнинг кенгайтирилган йиғилишларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлар масалалари юзасидан танқидий кўриб чиқиш.	2024 йил январь ойи 2024 йил апрель ойи

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлари)га эришиш бўйича чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми / ишлаб чиқиладиган ҳужжат	Ижро муддати
12.	Банк кредит портфелидаги муаммоли қарздорликлар улуши NPL кўрсаткичини 2,3 фоиз даражасига камайтириш.	1. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёрдамида 1,1 трлн сўм муаммоли қарздорликлар қисқартириш режа график ишлаб чиқиш. 2. Режа график асосида муаммоли қарздорликларни ундириш. 3. Корхоналарни соғломлаштириш, келгуси пул тушумлари ҳисобдан юзага келган қарздорликларни сўндириш ҳисобига 400,0 млрд сўмлик қарздорликлар соғломлаштириш.	2024 йил январь ойи Графикка асосан 2024 йил давомида
13.	Тўлов муддати узайтирилган 14,1 трлн сўмлик кредитлардан 10,8 трлн сўм потенциал муаммоли қарздорликларни белгиланган муддатларда ундирилиши алоҳида назоратга олиш.	1. Тўлов муддати узайтирилган потенциал муаммоли 10,8 трлн сўмлик кредитларни 2024 йилда муддати келадиган қисмини белгиланган муддатларда сўндириш ҳисобига 6,5 трлн сўмлик қарздорликлар соғломлаштириш режа график ишлаб чиқиш. 2. Режа график асосида муаммоли қарздорликларни ундириш.	2024 йил январь ойи Графикка асосан
14.	Коррупциянинг олдини олиш бўйича Бош банк ва ҳудудий бошқарма бошлиқлари ва ходимларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш бўйича зарурий тадбирлар бажарилишини назоратда олиб бориш.	1. Топ-менежерларга халқаро ISO 37001:2016 стандарт талабларига мувофиқ махсус ўқув курсларини ташкил этиш бўйича режа график ишлаб чиқиш. 2. Ўқув курсларини ташкил этиш. 3. Манфаатлар тўқнашуви декларацияларни таҳлилини рақамлаштириш. 4. Қорақалпоғистон, Андижон, Бухоро, Сурхондарё вилоятларидаги ҳудудий бошқармаларини ISO 37001:2016 халқаро	2024 йил январь ойи Режа графикка асосан 2024 йил сентябрь ойи 2024 йил давомида

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлари)га эришиш бўйича чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми / ишлаб чиқиладиган ҳужжат	Ижро муддати
		стандарт асосида сертификациядан ўтказилади.	
15.	"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси билан биргаликда Давлат инвестиция дастурига асосан 175 млн долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилишини таъминлаш юзасидан зарурий чораларни кўриш.	1. Давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар доирасида "корхонабай" иш ташкил этиш бўйича ҳудудларга масъул вакиллар бириктириш. 2. Инвестициялар ва кредитларни ўз муддатида ўзлаштириш борасида жойига чиққан ҳолда муҳокама қилиб бориш. 3. Лойиҳалар доирасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотлар билан зарурий чораларни кўриб бориш.	2024 йил январь ойи Ҳар ойда 2024 йил давомида
16.	Қурилиш материаллари саноатида 2024 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 39,9 трлн. сўмга етказиш ва 700 млн. долларлик маҳсулотлар экспортга йўналтирилишини таъминлаш юзасидан барча зарурий чора-тадбирларни кўриш.	1. Йирик қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва экспортёр корхоналар билан "корхонабай" иш ташкил этиш бўйича Ўзсаноатқурилишматериаллари уюшмаси ва банкдан ҳудудларга масъул вакиллар бириктириш. 2. Корхоналар фаолиятида аниқланган муаммо, таклифларни ўрганиб ечимини топиш юзасидан муҳокама қилиб бориш. 3. Ишлаб чиқариш экспорт кўрсаткичларини ойлик таҳлилий назоратини олиб бориш ва режа кўрсаткичларини бажариш чораларини кўриб бориш.	2024 йил январь ойи Хар ойда Хар ойда
17.	Электротехника саноатининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича 2024-2026 йилларда электротехника соҳасида амалга	1. "Элтехсаноат" уюшмаси ва "Ўзсаноатқурилишбанк" масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузган	2024 йил Январь ойи

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлари)га эришиш бўйича чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми / ишлаб чиқиладиган ҳужжат	Ижро муддати
	ошириладиган 2 млрд долларлик инвестиция лойиҳаларини шакллантириш.	ҳолда электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташаббускорларнинг лойиҳаларини “корхонабай” ўрганиш бўйича ҳудудларга чиқиш режа график ишлаб чиқиш. 2. Ўрганиш натижаларига кўра 2024-2026 йилларда электротехника соҳасида амалга ошириладиган 2 млрд долларлик истиқболли инвестиция лойиҳаларини шакллантириш.	2024 йил Март ойи

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув раиси **А.Акбаржонов**

O'ZBEKISTON SANOAT-QURILISH BANKI AKSIYADORLIK TIJORAT BANKI SQB DEVONXONA